



CONCEPTUAL ASPECTS OF THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES

Shukhrat Shabanovich Khikmatov

*Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: disability, human rights, rehabilitation, equality of opportunities, state policy, international law, social integration.”

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

Abstract: The article examines the conceptual aspects of ensuring the rights of persons with disabilities. In modern public policy, disability is assessed not only from a medical perspective but also from social and legal standpoints. Based on the UN Convention on the Rights of Persons with Disabilities, the Standard Rules, and WHO recommendations, the paper analyzes measures for rehabilitation, equal access to education, employment, and cultural life. It discusses the harmonization of national and international norms, ensuring equality of opportunities, improving social infrastructure, and fostering long-term cooperation between the state and society.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Шухрат Шабанович Ҳикматов

Ўзбекистон Республикаси

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ногиронлик, инсон ҳуқуқлари, реабилитация, имкониятлар тенглиги, давлат сиёсати, халқаро ҳуқуқ, ижтимоий интеграция.

Аннотация: Мақолада ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашнинг концептуал жиҳатлари ёритилган. Замонавий давлат сиёсатида ногиронлик масаласи тиббий нуқтаи назардан ташқари ижтимоий ва ҳуқуқий йўналишларда ҳам баҳоланмоқда. БМТ конвенцияси, Стандарт қоидалар ва ЖССТ

тавсиялари асосида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, таълим, меҳнат ва маданий ҳаётда тенг иштирокини таъминлаш чоралари таҳлил қилинган. Мақолада миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари уйғунлиги, имкониятлар тенглигини таъминлаш, ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда давлат ва жамият ҳамкорлигида амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокама этилган.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ПРАВ ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

Шухрат Шабанович Хикматов

Самостоятельный соискатель

Правоохранительной академии Республика Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: инвалидность, права человека, реабилитация, равенство возможностей, государственная политика, международное право, социальная интеграция.

Аннотация: В статье рассматриваются концептуальные аспекты обеспечения прав лиц с инвалидностью. В современном государственном управлении проблема инвалидности оценивается не только с медицинской, но и с социальной и правовой точек зрения. На основе Конвенции ООН о правах инвалидов, Стандартных правил и рекомендаций ВОЗ анализируются меры по реабилитации, обеспечению равного доступа к образованию, труду и культурной жизни. Рассмотрены вопросы гармонизации национальных и международных норм, обеспечения равенства возможностей, совершенствования социальной инфраструктуры, а также долгосрочного взаимодействия государства и общества.

Ҳозирги глобал таракқиёт шароитида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи нафақат миллий, балки халқаро миқёсда ҳам устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Давлат сиёсатидаги замонавий ёндашув ногиронлик ҳолатини фақат тиббий нуқтаи назардан эмас, балки ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлардан баҳолашга асосланади. Бу эса ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш, уларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш ва маданий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси, Стандарт қоидалар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг

тавсиялари асосида шаклланаётган миллий сиёсат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини ошириш, уларнинг жамиятдаги тенг ҳуқуқли мавқеини мустаҳкамлашни мақсад қилади.

Сўнгги йилларда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан давлат сиёсати ўзгармоқда. Чунки, энди ногиронлиги бўлган шахсларга тегишли муассасаларда уларга ғамхўрлик қилишдан кўра, уларни реабилитация қилиш ва жамиятга мослаштиришга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бунда асосий мақсад ногиронлиги бўлган шахсларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ ўз ҳуқуқларини бошқалар билан тенг равишда амалга ошириш имкониятини яратиш ҳисобланади. Уларнинг ўзлари яратиб берилаётган имкониятлар, хусусан, таълим олиш ва реабилитация қилиш натижасида уларга нисбатан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқдалар.

Халқаро ҳамжамятда “ногиронлиги бўлган шахслар” ва “ногиронлик” тушунчаларига таърифни ишлаб чиқишда нафақат ваколатли давлат органлари, балки ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўзлари ҳам ушбу ҳолатга нисбатан шахсий муносабатлари эътиборга олинган.

Ногиронликни тушунишнинг янги концепциясини ишлаб чиқишда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар катта аҳамиятга эга. 1980 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти “нуқсонлар”, “ногиронлик” ва “меҳнатга лаёқатсизлик” тушунчаларини ишлаб чиқди.

1993 йил 20 декабрда БМТнинг қирқ саккизинчи сессиясида ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш бўйича давлатлар томонидан маънавий ва сиёсий мажбуриятларни белгилашни таклиф этган Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлашнинг стандарт қоидалари (кейинги ўринларда – Стандарт қоидалар) қабул қилинди. Унда жавобгарлик, ҳамкорлик чораларини қабул қилиш ва таъминлашга оид принциплар, шунингдек, жамият ҳаётида ҳар томонлама иштирок этиш, тенглик ва ҳаёт даражасини таъминлашда муҳим ўринга эга бўлган соҳалар назарда тутилган. Мазкур Стандарт қоидалар ногиронлиги бўлган шахслар ва уларнинг ташкилотлари ўз фаолиятларини амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади, шунингдек, дунё мамлакатларида ногиронларнинг ҳуқуқларини амалга оширишдаги муаммолар ногиронларга жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишни мураккаблаштираётганлиги таъкидланган. Шу сабабли, ушбу муаммоларни бартараф этиш давлатларнинг мажбуриятлари ҳисобланади. Стандарт қоидалар “ногиронлик”, “меҳнатга лаёқатсизлик”, “реабилитация”, “ногиронликнинг олдини олиш” каби фундаментал тушунчаларнинг таърифларини ишлаб чиққани билан тавсифланади. Ушбу санаб ўтилган таърифларни ишлаб чиқишда инсон организмнинг нормал фаолиятининг бузилишида ифодаланган

тиббий нуқтаи назар билан бирга ногиронлар оиласининг бошқа аъзолари билан тенг равишда жамият ҳаётида иштирок этишлари учун тўсиқларни бартараф этиш каби ижтимоий жиҳатлар ҳам эътиборга олинган. Давлатларнинг бугунги кунда мазкур соҳадаги вазифаси шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳаётга жалб этишдаги муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳеч қандай камситишларсиз амалга оширишларига шарт-шароит яратиб бериш керак.

Шу билан бир қаторда, стандарт қоидаларда жамият ва атроф-муҳитнинг турли тизимлари, айниқса, ногиронлар учун очик бўлган жараёни англатувчи “имкониятлар тенглиги” таърифи муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ногиронлиги бўлган шахслар соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва ижтимоий хизматларнинг одатий тизимида ўзларига зарур бўлган кўмакни олишлари керак.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлишгач, шунга мос равишда мажбуриятларни ҳам ўз зиммаларига олишлари керак. Жамият аъзолари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлган ногиронлардан жамият ҳам кўпроқ нарсани кутишга ҳақли, чунки улар янги шароитларда жамиятнинг аъзолари сингари ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш имконига эга бўладилар.

Ногиронлиги бўлган шахсларни маданий ҳаётга жалб қилиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишлари учун тенг имкониятларни тақдим этиш ҳам уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Афсуски, кўп мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга етарли эътибор қаратилмайди. Чунки, ногиронлиги бўлган шахслар мустақил бўлиш имкониятидан кўп ҳолларда маҳрумдирлар, уларнинг кўпчилиги бошқаларнинг ғамхўрлигига, меҳр кўрсатишига ва ёрдамига муҳтож. Бугунги кунда дунёда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари инкор этилишидан миллионлаб одамлар азият чекмоқда ва бу ҳолат ўта ачинарлидир. Шу туфайли, 2006 йилда қабул қилинган Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши бутун дунёда ногиронлар учун жуда муҳим тарихий ҳодиса бўлган, дейишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларга Конституциямизга мувофиқ хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи шароитларда меҳнат қилиш, ҳеч бир камситишларсиз меҳнат учун мукофот олиш, қонун билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳажмда ҳақ олиш, ишсизликдан ҳимояланиш, ижтимоий таъминот олиш, турар-жойга эга бўлиш, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш, таълим олиш, таътилга чиқиш ҳуқуқларидан бошқа фуқаролар билан тенг равишда фойдаланиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини давлат ўз ҳимоясига олиши халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларига тўлиқ жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аҳолини ва унинг салмоқли қисмини ташкил қилувчи ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд қатлам, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мураккаб ва кўп босқичли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларининг назарий ва амалий жиҳатлари кўплаб олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, улар томонидан турли соҳаларда тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Е.Азарова, С.Бразевич, С.Джалилов, Ф.Камилов, Б.Мунавваров, Ҳ.Холиқулова, А.Юсупов каби олимлар меҳнат ва аҳоли бандлиги, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони ижро этиш борасида ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан ҳимоя кўрсатиш масаласини тадқиқ қилишган. Прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатлари эса ўзбек олимларидан Б.Х.Пўлатов, М.Х.Рустамбаев, А.Б.Комилов, Д.Ш.Ибрагимов, А.Джураеваларнинг илмий ишларида ёритилган.

Ушбу тадқиқотлар кўплаб масалаларни, жумладан, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларнинг ижтимоий ҳуқуқларни амалга оширишнинг конституциявий асосларини таъминлаш учун тезкор чоралар кўрилиши лозимлигини очиқ берган.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат томонидан ҳимоя қилинади. Хусусан, Конституциянинг 55-моддаси 1-қисмида “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли” эканлиги белгиланган. Фуқаролар ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллариининг тўлиқ рўйхати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тамойиллари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий тизимини ташкил қилади .

М.Ю.Калнина ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг мазмуни – фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни фуқаро, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқ равишда яхши томонга ўзгартириш, деган ғояни илгари сурган . В.В.Росинский эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини давлатнинг ичида ва давлатнинг ташқарисида (халқаро) ҳимоя қилиш ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш каби учта гуруҳга ажратиб, уларни

бирлаштириб турувчи белги сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан ҳимоя қилишга қаратилган умумий мақсаднинг мавжудлигида, деб таъкидлаган.

Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини кенг маънода инсон ҳуқуқлари борасида қонун чиқариш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти сифатида қаралиши мумкин.

Прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ўзида қонунбузилишларини аниқлаш, қонунийликни тиклаш учун таъсир чораларини кўриш, келажақда ушбу қонунбузилишларига йўл қўймаслик, уларни содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф қилишда намоён бўлади.

Тадқиқот ишимиз доирасида ўрганилаётган тоифа – ногиронлиги бўлган шахслар давлат муҳофазасига энг кўп эҳтиёжманд инсонлар ҳисобланади.

“Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳимояси” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, ушбу тушунча қонунчиликда белгиланган бўлиб, ўзида давлат томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг кундалик ҳаёти давомида қийинчиликларни бартараф этиш, уларнинг бошқа шахслар билан жамият ҳаётида бир хил иштирок этиши учун керакли имкониятларни яратишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир .

Ю.В.Анохиннинг таъкидлашича, тадқиқ этилаётган тушунчалар орасида “таъминлаш” тушунчасининг учта жиҳатини алоҳида кўриб чиқиш лозим:

- 1) дастлабки шарт-шароитларни яратиш;
- 2) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза ҳамда ҳимоя қилиш жараёни;
- 3) шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқаришда ифодаланадиган давлат ва жамият фаолиятининг якуни ҳамда натижаси .

Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олим Л.Х.Исоқовнинг фикрича, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун унинг қонуний манфаатларига мувофиқ шарт-шароитлар яратадиган омиллар орқали ифодаланиб, давлат органлари, халқаро ташкилотлар фаолияти, шунингдек фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари ҳаракатлари билан тавсифланади .

Бизнинг фикримизча, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш деганда, ушбу тоифадаги шахсларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш ва муайян ижтимоий неъматларни олиш мақсадида уларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган фаолият тушунилади. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш механизми моддий-техник, ташкилий, ғоявий, бошқарув ёки махсус-ҳуқуқий хусусиятдаги чораларни қамраб олади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш – давлатнинг инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланган ижтимоий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу жараён фақат ҳуқуқий кафолатлар бериш билан

чекланмай, балки амалда тенг имкониятлар яратиш, турли соҳаларда инфратузилмавий ва ташкилий шарт-шароитларни такомиллаштиришни ҳам ўз ичига олади. Миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг уйғунлиги ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ижтимоий интеграциясини таъминлаб, уларнинг жамиятда фаол, мустақил ва масъулиятли аъзо сифатида ривожланишига замин яратади. Шунинг учун ҳам ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи давлат, жамият ва фуқароларнинг узвий ҳамкорлигида амалга оширилиши лозим бўлган узок муддатли ва стратегик вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Международная классификация дефектов, инвалидности и нетрудоспособности (МСДИН), Всемирная организация здравоохранения. Женева, 1980 г.
2. Мачульская Е.Е. Концепция инвалидности в международных и российских нормативных актах // Социальное и пенсионное право. 2015. № 4.
3. Стандартные правила обеспечения равных возможностей для инвалидов. Приняты резолюцией 48/96 Генеральной Ассамблеи ООН 20.12.1993.
4. От социальной изоляции к равенству. Осуществление прав инвалидов. Руководство для парламентариев // Международная конвенция о правах инвалидов и Факультативный протокол к ней. 2007. № 14. С. III.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 55-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 11-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03/21/721/0952-сон, 30.03.2022 й.
7. Калнина М.Ю. Правозащитная деятельность в субъектах Российской Федерации: основные формы и методы // История гос-ва и права. 2008. № 21. – С. 19–20.
8. Калнина М.Ю. Правозащитная деятельность в субъектах Российской Федерации: основные формы и методы // История гос-ва и права. 2008. № 21. – С. 19–20.
9. Росинский В.В. Конституционные основы правозащитной деятельности прокуратуры Российской Федерации. М.: Альфа-М, 2010. – С. 36.
10. Чуксина В.В. Несудебная защита прав человека в системе национальной правозащитной деятельности Российской Федерации и зарубежных государств // Конституц. и муницип. право. 2006. № 6. – С. 33–34.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.06.2022 й., 03/22/775/0477-сон.

12. Анохина Ю.В. Обеспечение прав человека.– Барнаул: Барнаулский юридический институт МВД России, 2016. – С. 262.
13. Исоқов Л.Х. Мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил. Ю.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация, Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2022. – Б.58.